13	“ZPLAT” МЧЖ	ZPLAT	26.12.2020 й.	20	100090, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21А-уй	www.zplat.uz
14	“CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ	A-pay	09.01.2021 й.	21	100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳхор 9-тор кўчаси, 1А-уй	www.a-pay.uz
15	“TEZPAY” МЧЖ	TEZPAY	27.03.2021 й.	22	140100, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Саттепо даҳаси, Туркистон кўчаси, 157-уй	www.tezpay.net
16	“PAYLOAD” МЧЖ ҚҚ		27.03.2021 й.	23	100047, Тошкент шаҳри, Яшнообод тумани, Боткина кўчаси, 8-уй	
17	“MULTICARD PAYMENT” МЧЖ		12.05.2021 й.	26	100047, Тошкент шаҳри, Яшнообод тумани, Содик Азимов кўчаси, 50-уй	www.multicard.uz
18	“PAY-WAY” МЧЖ		22.05.2021 й.	27	170100, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 2-уй	www.1pay.uz
19	“MULTIPAY” МЧЖ		21.10.2021 й.	31	100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йули кўчаси, 23/3	
20	“Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ		27.11.2021 й.	34	100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй	www.uzex.uz
21	“UZPAYNET” МЧЖ	Paynet	25.12.2021 й.	35	100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 53B-уй	www.paynet.uz
22	“SOLUTIONS LAB” АЖ	Uzum Nasiya	29.01.2022 й.	36	100070, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик, 1-тор кўчаси, 8-уй	www.uzumnasiya.uz
23	“NATIONAL PAY” МЧЖ	Milliy pay	12.02.2022 й.	38	220803, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Мадир, Илғор маҳалласи	www.millipay.uz
24	“CS EXPRESS PAY” МЧЖ XK		12.02.2022 й.	39	100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 12-уй	www.payze.uz
25	“OCTAGRAM” МЧЖ	Paylov	10.03.2022 й.	40	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 26-уй	www.karmonpay.uz

VI. ТҮЛӨВ ТИЗИМИГА ОИД АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАР

94

№	Түлов ташкилоти номи	Түлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
26	“SOLIQ SERVIS” ДУК		09.06.2022 й.	42	100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кӯчаси, 166-үй	
27	“LIMON PAY” МЧЖ	LimonPay	16.07.2022 й.	43	100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Е-Мавзе, 3-үй	
28	“YANGI PAYMENT” МЧЖ		16.07.2022 й.	44	100060, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур тор кӯчаси, 99-үй	
29	“XONSAROY PAYMENTS” МЧЖ		13.08.2022 й.	45	100206, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 72-үй	www.cloudpayments.uz
30	“BEEELAB” МЧЖ		08.09.2022 й.	46	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кӯчаси, 1-үй	www.beepul.beeline.uz
31	“MARKETPLACE TRADING” МЧЖ	Sello	19.11.2022 й.	47	100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кӯчаси, 12-үй	www.sellou.uz
32	“QUICK PAYMENTS SOLUTION” МЧЖ	Infinity Pay	24.12.2022 й.	48	100077, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кӯчаси, 1-үй	www.quickpay.uz
33	“TAD INDUSTRIES” МЧЖ	YuzPay	24.12.2022 й.	49	100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Бахор МФЙ, Буз-2 мавзеси, 4-үй	www.tadi.uz
34	“DEVHUB” МЧЖ	VIA	24.12.2022 й.	50	100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ахмад Дониш кӯчаси, 28-үй	
35	“RAQAMLI BIZNES AGREGATOR” МЧЖ	dpay	26.01.2023 й.	51	100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 59-үй	www.dpay.uz
36	“CROSS PAY” МЧЖ		18.02.2023 й.	52	100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кӯчаси, 25А-үй	
37	“PARAPAY” МЧЖ		04.04.2023 й.	53	100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шивли 1-тор кӯчаси, 16-үй	
38	“SMART MARKETPLACE” МЧЖ		04.04.2023 й.	54	100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кӯчаси, 107 Б-үй	
39	“FUTURE OPEN TECHNOLOGY GROUP” МЧЖ		04.04.2023 й.	55	100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кӯчаси, 14-үй	

VI. ТҮЛӨВ ТИЗИМИГА ОИД АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАР

95

№	Түлов ташкилоти номи	Түлов ташкилотининг товар белгиси	Лицензия берилган сана	Лицензия раками	Юридик манзили	Веб-сайти
1	2	3	4	5	6	7
40	“IT UNISOFT GROUP” МЧЖ		04.04.2023 й.	56	100021, Тошкент шахри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 4-уй	
41	“EMIT-SOLUTION” МЧЖ		04.04.2023 й.	57	100011, Тошкент шахри, Мирзо Улугбек тумани, Олтингепа кўчаси, 159-уй	
42	“ALTAPAY” МЧЖ		20.05.2023 й.	59	100100, Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 34-уй	
43	“O’ZBEKISTON POCHTASI” АЖ		08.06.2024 й.	61	100000, Тошкент шахри, Олой кўчаси, 1-уй	
44	“OXUS PAY” АЖ		28.12.2024 й.	62	100047, г. Тошкент шахри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 8A-уй	

6.8-жадвал

Электрон пуллар тизимлари реестри

(2025 йил 1 апрель ҳолатига)

№	Электрон пуллар тизими номи	Оператор номи	Эмитент номи	Электрон пуллар чикариш бүйича фаолияти бошланган сана
1	2	3	4	5
1	OSON	"BRIО GROUP" МЧЖ	"Алоқабанк"АТ	11.10.2022 й.
2	E-CARD	"INSPIRED" МЧЖ	"Универсал банк"АТБ	21.08.2020 й.
3	CLICK	"CLICK" МЧЖ	"Алоқабанк"АТ	06.09.2024 й.
4	alif.mobi	"ALIF TECH" МЧЖ	"Алоқабанк"АТ	02.11.2020 й.
5	A-pay	“CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ	“Hamkorbank” АТБ	12.11.2024 й.
6	GlobalPay	“Global Solutions” МЧЖ	“Алоқабанк”АТ	17.11.2021 й.
7	Apelsin	“Uzum bank” АЖ	“Uzum bank” АЖ	29.07.2022 й.
8	ExMoney	“Ўзбекистон Республикаси Товархомашё биржаси” АЖ	“Трастбанк” ХАБ	30.08.2022 й.
9	UCOIN	АТБ “Универсал банк”	“Универсал банк” АТБ	17.02.2023 й.
10	PAYNET WALLET	“UZPAYNET” МЧЖ	“Халқ банки”АТ	18.07.2023 й.
11	IWON	“CHOYKHONA” МЧЖ	“Ориент Финанс” ХАТБ	01.09.2024 й.
12	SELLO COIN	“MARKETPLACE TRADING” МЧЖ	"Алоқабанк"АТ	25.12.2024 й.

VII. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг СТАТИСТИК БЮЛЛЕТЕНИ” ЖАДВАЛЛАРИГА МЕТОДОЛОГИК ШАРҲЛАР

І бўлим. Макроиктисодий кўрсаткичлар

1.1-жадвал. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва унинг таркиби

Мазкур жадвал Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқариш усулида хисобланган.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – маълум бир давр мобайнидаги мамлакат худудида ишлаб чиқарилган барча якуний товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг монетар қиймати.

1.2-жадвал. Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) динамикаси

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – аҳоли томонидан истеъмол учун харид қилинадиган товар ва хизматлар умумий нархлар даражасининг ўзгариш кўрсаткичи. ИНИ белгиланган товар ва хизматлар жорий даврдаги нархлари йифиндисининг олдинги (базавий) даврдаги нархларига нисбати орқали хисобланади.

1.3-жадвал. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари

Инфляцион кутилма – аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгуси давр учун инфляция даражаси тўғрисидаги тахминлари. Инфляция кутилмаларига асосланиб, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўзларининг келгусидаги инвестиция, кредит, молиявий ҳамда нарх сиёсатини белгилайдилар, даромадлар, харажатлар ва тахминий фойда ҳажмини баҳолайдилар.

Инфляцион кутилма Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўтказиладиган сўровлар орқали аниқланади.

1.4-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси

Тўлов баланси – бу маълум бир давр мобайнидаги резидент ва норезидентлар ўртасидаги иктиносидий операцияларни жамланма кўринишда акс эттирувчи статистик ҳисобот.

Тўлов балансининг тузилиши Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича кўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБҚ 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

Ҳисоб юритиши тизимининг негизида ҳар бир операцияни иккиёклама ёзиш (дебет ва кредит) тамойили ётади. Тўлов балансининг ҳар бир операцияси миқдор жиҳатдан ўзаро тенг ва бир-бирига қарама-қарши (кирим ва чиқим операцияларини ифодаловчи) иккиёклама ёзув кўринишида акс эттирилади.

Жорий операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги товарлар ва хизматлар экспорти ва импортини, шунингдек бирламчи ва иккиласми даромадларни акс эттиради.

Жорий операциялар ҳисоби кўрсаткичлари Давлат божхона қўмитаси, Статистика агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат чегараларини кўриқлаш қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали хисобланган.

Товарлар резидент ва норезидент ўртасида эгалик хуқуқининг ўтиши тамойили асосида, товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тўғрисидаги маълумотлар асосида акс эттирилади. Бунда импорт қилинган товарлар қиймати FOB нархларда (экспортёр давлат чегарасигача бўлган транспорт ва сугурта харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги товар қиймати) баҳоланади. Шунга мувофиқ, норезидентлардан хизматлар импорти сифатида транспорт ва сугурта бўйича хизматлар қийматини алоҳида акс эттириш мақсадида товарлар нархлари бўйича тузатишлар амалга оширилади.

Хизматлар ҳисобот даври мобайнида резидентлар томонидан норезидентларга ва норезидентлар томонидан резидентларга кўрсатилган хизматларни акс эттиради.

Бирламчи даромадлар норезидентларнинг резидентларга тўлаган иш хақи бўйича ва инвестицион даромадни (масалан, инвестициялар бўйича дивидендларни) ўз ичига олади.

Иккиламчи даромадлар резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансферларни кўрсатади. Трансферлар деганда товар, хизмат, молиявий ёки бошқа актив эвазига иқтисодий қийматга эга бўлган бошқа объектни олмаган ҳолда тақдим этиш бўйича операциялар тушунилади.

Капитал операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасида қабул қилиниши ва тўланиши назарда тутилган капитал трансферларни ҳамда ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар сотиб олиниши ва сотилишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга табиий ресурслар, шартномалар, иқтисодий актив деб қабул қилинадиган ижара шартномалари ва лицензиялар, шунингдек маркетинг активларига бўлган хукуқлар киради. Ўз навбатида, капитал трансферларга капитал активларни ўтказиш, қарздан воз кечиш ва бошқа операциялар киради.

Капитал билан боғлиқ операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Молиявий ҳисоб Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги молиявий активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операцияларни акс эттириб, улар жумласига кредитларни олиш ва сўндириш, қимматли қоғозлар савдоси, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар (савдо кредитлари, суғурта, пенсия ва стандарт гарантиялар дастурлари, бошқа дебитор ва кредитор қарздорлик) киради.

Аввалги ҳисоблардан фарқли ўлароқ, молиявий ҳисобда операциялар дебет ва кредит бўйича иккиёқлама ёзув тамойили асосида эмас, балки актив ва мажбуриятларга бўлинган ҳолда акс эттирилади.

Молиявий ҳисоб бўйича операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Статистика агентлиги, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

Инвестициялар – фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа турдаги мулк, шунингдек пул қийматига эга бўлган мулкдорлик хукуки ва бошқа турдаги хукуқлар.

Захира активлар пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг норезидентларга бўлган алоҳида талабларини ўз ичига олади ҳамда улар чет эл валютасидаги актив бўлиши ва ҳақиқатда мавжуд бўлиши лозим. Захира активларда фақатгина юқори ликвидликка ва сифатга эга активлар ҳисобга олинади.

Соф хатолар ва йўқотишлар – тўлов балансини тузишда турли хил манбалар маълумотларини бирлаштирган ҳолда тўлов баланси компонентларини алоҳида баҳолаш натижасида унинг ҳисобларида юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликлар.

1.5-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси

Халқаро инвестиция позицияси муайян давр боши ва охирига активлар (резидентларнинг норезидентларга талаблари) ва мажбуриятларни (норезидентларнинг резидентларга талаблари) акс эттиради.

Активлар ва мажбуриятлар тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар, ҳосила молиявий инструментлар, мамлакат захира активлари ва бошқа инвестициялардан ташкил топади.

Активлар ва мажбуриятлар қолдигининг муайян давр боши ва охиридаги мутаносиблиги тўлов балансининг молиявий ҳисобида акс этган операциялар ҳисобига таъминланади. Бунда валюта курслари, активлар қиймати ва молиявий ҳисобда акс этмаган бошқа операциялар қийматининг ўзгариши натижасида юзага келган ўзгаришлар инобатга олинади.

Халқаро инвестиция позициясининг тузилиши ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма” сининг олтинчи нашрига (ТБҚ 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

1.6-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари

ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма” сининг олтинчи нашри (ТБҚ 6, 2009 й.) ва “Халқаро резервлар ва чет эл валютасидаги ликвидлик. Маълумотларни тақдим этиш шакли: асосий тамойиллар” (2013 й.) халқаро захиралар бўйича статистик маълумотларни тайёрлашда услугий асос бўлиб хизмат килади.

ХВЖнинг мазкур услугий нашрларига мувофиқ, тўлов баланси дефицитини молиялаштиришдаги эҳтиёжларни қондириш, валюта алмашув курсига таъсир кўрсатиш учун валюта бозорларида интервенцияни амалга ошириш ва бошқа шу каби мақсадларда (миллий валюта ва иқтисодиётга бўлган ишончни таъминлаш ҳамда ташки қарзлар учун асос бўлиб хизмат қилиш кабилар) пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг эркин тасарруфида бўлган ва улар томонидан назорат қилинадиган ташки активлар халқаро захиралар (захира активлар) бўлиб ҳисобланади.

Захира активлар – 1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Захира активлар монетар олтин, маҳсус қарз олиш хукуқлари (СДР), ХВЖдаги захира позицияси ва чет эл валютасидаги бошқа захира активлардан ташкил топади.

Маълумотлар ҳисбот даврининг охирги кунида амал қилган Марказий банк томонидан ўрнатиладиган чет эл валюталарининг расмий алмашув курслари, ХВЖнинг расмий сайтида эълон қилинадиган СДРнинг алмашув курси ва Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг олтин бўйича эрталабки фиксинг нархи асосида миллион АҚШ доллари эквивалентида тақдим этилади.

Маълумотларни тақдим этиш шаклининг “**Қимматли қофозлар**” бўлимида юқори ликвидликка эга ҳамда бозорда сотиладиган капиталда иштирокни таъминловчи ва қарз қимматли қофозлар акс эттирилади. Мазкур бўлимда фақатгина норезидентлар томонидан чиқарилган чет эл валютасидаги қимматли қофозлар ҳисобга олинади.

Депозитлар талабга кўра ишлатилиши мумкин бўлган депозитларни ўз ичига олади. Ликвидлик нуқтаи назаридан мазкур депозитларга одатда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда талабга кўра ёки жуда қисқа мuddатда депозитнинг қийматига таъсир қилмасдан қайтариладиган муддатли депозитлар киритилади. Захира активлар хорижий марказий банклар, Халқаро ҳисобкитоблар банки ва бошқа норезидент банкларда жойлаштирилган депозитларни ўз ичига олади. Захира активлар таркибидаги депозитлар бўйича кўрсаткичларда, коидага кўра, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан норезидент банкларга берилган ва талабга кўра қайтариладиган чет эл валютасидаги қисқа муддатли кредитлар ҳам ҳисобга олинади.

Нақд валютадаги маблағлар “Нақд валюта ва депозитларнинг жами миқдори” бўлимида акс эттирилиб, нақд валюта тўловларини амалга оширишда фойдаланиладиган муомаладаги хорижий давлатлар банкнотлари ва тангаларини ўз ичига олади.

ХВЖдаги захира позицияси ўзида биринчидан, ХВЖни хабардор қилиш орқали ундан олиниши мумкин бўлган чет эл валютаси, яъни “захира транши”ни, иккинчидан, ХВЖга аъзо давлат томонидан исталган вактда фойдаланилиши мумкин бўлган, “Умумий ресурслар ҳисобварафида” акс эттирилувчи ХВЖнинг аъзо давлат олдидаги ҳар қандай қарздорлигини, шу жумладан “Қарзлар тўғрисида бош битим” ва “Қарзлар тўғрисида янги битим” доирасида ҳисбот тақдим этувчи мамлакат томонидан ХВЖга берилган кредитларни акс эттиради. ХВЖга бўлган СДРдаги талаблар, ўз навбатида, чет эл валютасидаги талаблар бўлиб ҳисобланади.

“Олтин” бўлимида расмий ташкилотларга тегишли олтин акс эттирилиб, у олтин қўймалари ва олтинни етказиб беришни талаб қилиш хукуқини берувчи норезидентлар билан бўлган олтин ҳисобварақларидаги қолдикларни ўз ичига олади. Олтин қўймалари камиде 995-пробага эга бўлган танга, қўйма ёки бўллаклар шаклида бўлади ва жавобгарлик остида сақлашдаги олтин ҳисобварақлари қолдиқларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур бўлимда пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан захира актив сифатида сақланадиган олтин ҳисобга олинади.

Бошқа захира активлар захира активларнинг бошқа категориясига киритилмаган, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан эркин ишлатиладиган ликвид активларни ўз ичига олади.

Чет эл валютасидаги бошқа активлар захира активларда ҳисобга олинмаган пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг чет эл валютасидаги ликвид активларини ўз ичига олади.

Пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг резидентларга бўлган чет эл валютасидаги талаблари чет эл валютасидаги бошқа активларга мисол бўла олади.

II бўлим. Пул-кредит кўрсаткичлари

Мазкур бўлимдаги Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи, Депозит ташкилотлари (банк тизими) шарҳи ҳамда пул агрегатларига оид маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) янгиланган таҳрирдаги “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш қўлланмаси”да белгиланган тушунчалар, шакллар ва таснифлардан фойдаланган ҳолда стандарт ҳисобот шакллари асосида тузилади.

2.1-жадвал. Марказий банк шарҳи

Марказий банк шарҳи Марказий банкнинг бухгалтерия баланси ҳисоботи асосида ойлик равища шакллантирилади. Марказий банк шарҳи қуидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар - Марказий банкнинг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда Марказий банкнинг жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдиаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Монетар олтин – Марказий банк томонидан захира актив сифатида сақланадиган халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – Марказий банк кассасидаги нақд чет эл валюта, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖдаги маҳсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс эттирилади.

Норезидентлар олдиаги мажбуриятлар – Марказий банк томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган маҳсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

Бошқа депозит ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан тижорат банкларига ажратилган кредитлар ҳамда мазкур ташкилотларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар акс эттирилади.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – Марказий банкнинг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдиаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг Марказий банқдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – Марказий банкнинг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга киритилган инвестиция маблағлари акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй ҳўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган

фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қофозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Пул базаси – Марказий банкдан ташқаридаги нақд пулларни, Марказий банкнинг бошқа депозит ташкилотлари ҳамда бошқа секторлар олдидаги мажбуриятларини ўз ичига олади.

Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар акс эттирилади ва бунда Марказий банк кассасидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги мажбуриятлар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳамда мажбурий захира ҳисобварагларидаги маблағларнинг қолдиқлари йифиндисини ифодалайди.

Мажбурий захиралар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварагларидаги маблағлари акс эттирилади.

Вакиллик ҳисобвараглардаги маблағлар – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварагларидаги маблағлари акс эттирилади.

Бошқа секторлар олдидаги мажбуриятлар – бошқа секторларнинг кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварагларидаги маблағлари акс эттирилади.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги бошқа мажбуриятлар – тижорат банкларининг пул базаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварагларидаги маблағлари ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

Пул базаси таркибига киритилмайдиган депозитлар ва қимматли қофозлар – бошқа секторларнинг пул массаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварагларидаги маблағлари акс эттирилади. Шунингдек, Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар тасарруфидаги қимматли қофозлар ифодаланади.

Кредитлар – Марказий банк томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари акс эттирилади.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечикирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – Марказий банкнинг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарқ.

2.2-жадвал. Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шархи

Бошқа депозит ташкилотлари шархи тижорат банкларининг жамланма бухгалтерия баланси ҳисботлари асосида ойлик равишда шакллантирилади. Бошқа депозит ташкилотлари шархи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар – тижорат банкларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Норезидентларга бўлган талаблар – тижорат банклари кассаларидағи нақд чет эл валутаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварагларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек норезидентларга ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловлари акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – тижорат банклари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар карзларни ифодалайди.

Марказий банкка бўлган талаблар – миллий валютадаги нақд пулларни, захира депозитлари ва қимматли қофозларни (акциялардан ташқари) ҳамда Марказий банкка бўлган бошқа талабларни ўз ичига олади.

Миллий валютадаги нақд пуллар – тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пулларни англатади.

Захира депозитлари ва қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банкларининг Марказий банқдаги вакиллик ва мажбурий захира ҳисобваракларидағи, шунингдек пул базаси таркибиға киритилмайдын депозит ҳисобваракларидағи маблағларни ўз ичига олади.

Марказий банкка бўлган бошқа талаблар – тижорат банклари тасарруфидаги пул базаси таркибиға киритилмайдын Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

Марказий хукуматга бўлган соф талаблар – тижорат банкларининг Марказий хукуматта бўлган талаблари ҳамда Марказий хукумат олдидағи мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

Марказий хукуматга бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан Марказий хукуматта ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий хукумат томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий хукумат олдидағи мажбуриятлар – Марказий хукуматнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча, жамгарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобваракларидағи маблағлар ҳамда Марказий хукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – тижорат банкларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларни ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – тижорат банклар томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – тижорат банклари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Марказий банк олдидағи мажбуриятлар – тижорат банкларидаги Марказий банкнинг вакиллик ва депозит ҳисобваракларидағи маблағлар, шунингдек тижорат банклари томонидан Марказий банқдан жалб қилинган кредитларни ифодалайди.

Кенг маънодаги пул массаси таркибиға киритиладиган талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларидағи маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибиға киритиладиган бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг жамгарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобваракларидағи маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибиға киритиладиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамгарма ва муддатли депозит сертификатлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар ифодаланади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидағи талаб қилиб олингунча, жамгарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги облигациялар ифодаланади.

Кредитлар – тижорат банклари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлари йигиндишини акс эттиради.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган заарлар ёки кечикирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – тижорат банкларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарқ.

2.3-жадвал. Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи

Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи “Марказий банк шарҳи” ва “Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи” жадвалларидағи маълумотларни консолидация (умумлаштириш) қилиш асосида ойлик равища шакллантирилади. Консолидация (умумлаштириш) қилиш Марказий банк ва тижорат банклари орасидаги ўзаро талабларни ва мажбуриятларни чегириб ташлаш ҳамда уларнинг иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва норезидентлар билан операцияларини жамлаш орқали амалга оширилади. Депозит ташкилотлари шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

Соф ташқи активлар – депозит ташкилотларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидағи мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Монетар олтин – халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг кассаларидағи нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, норезидентларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловларини ўз ичига олади. Шунингдек, ХВЖдаги маҳсус қарз олиш хукуклари ва захира позицияси акс эттирилади.

Норезидентлар олдидағи мажбуриятлар – депозит ташкилотлари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзлар ҳамда ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган маҳсус қарз олиш хукукларини ифодалайди.

Ички талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий хукуматга бўлган соф талаблари ҳамда бошқа секторларга бўлган талаблари йигиндишини ифодалайди.

Марказий хукуматга бўлган соф талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий хукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий хукумат олдидағи мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

Марказий хукуматга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан Марказий хукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий хукумат томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий хукумат олдидағи мажбуриятлар – Марказий хукуматнинг депозит ташкилотларидаги депозит ҳисобваракларидаги маблағлар ва Марказий хукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қофозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қофозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй ҳўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қофозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

Кенг маънодаги пул массаси – муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар, талақ қилиб олингунча ва бошқа депозитлар, шунингдек қимматли қофозларни (акциялардан ташқари) ўз ичига олади.

Муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган барча нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидағи миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Талақ қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги талақ қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Қимматли қофозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Пул массаси таркибиға киритилмайдиган депозитлар – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидағи талақ қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағларни ўз ичига олади.

Пул массаси таркибиға киритилмайдиган қимматли қофозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар эгалик қилувчи облигацияларни ифодалайди.

Кредитлар – депозит ташкилотлари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни акс эттиради.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган заарлар ёки кечикирилган даромадлар акс эттирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – депозит ташкилотларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарқ.

2.4-жадвал. Пул агрегатлари

Пул агрегатлари Марказий банк бухгалтерия баланси ҳисоботи ҳамда тижорат банклари жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида ойлик равища шакллантирилади.

Пул агрегатлари күйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат

Кенг маънодаги пул массаси (M2) – миллий валютадаги пул массаси ҳамда чет эл валютасидаги депозитлардан иборат.

Миллий валютадаги пул массаси – тор маънодаги пул массаси (M1) ҳамда миллий валютадаги бошқа депозитларни ўз ичига олади.

Тор маънодаги пул массаси (M1) – муомаладаги нақд пуллар ва миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитларни ифодалайди.

Муомаладаги нақд пуллар (M0) – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидағи миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидағи миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидағи маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларини ўз ичига олади.

Миллий валютадаги бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидағи миллий валютада жамгарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидағи маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Чет эл валютасидаги депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидағи чет эл валютасида талаб қилиб олингунча, жамгарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидағи маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

III бўлим. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари

3.1-жадвал. Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси

Асосий фоиз ставка – тижорат банклари учун қарз олиш фоиз ставкасини ҳамда қарз олувчилар учун кредит харажатларини белгилаб берувчи фоиз ставкаси.

Асосий фоиз ставкаси ўзгариши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

3.2-жадвал. Мажбурий резервлар нормативлари

Мажбурий резервлар – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари. Марказий банк тижорат банкининг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз микдорини ўрнатади.

Мажбурий резервлар норматив микдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисобкитоб давридаги ўртacha микдорига мажбурий резервлар нормативини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

3.3-жадвал. Мажбурий резервлар қолдиғи

Мажбурий резервлар қолдиғи – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа миллий ва чет эл валютасида ўтказилган мажбурий резервларнинг маълум бир сана ҳолатига қолдиқлари.

3.4-жадвал. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилиб, тижорат банклари орасида жойлаштирилган облигациялар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари банк тизими ликвидлигини тартибга солиши ҳамда пул-кредит сиёсати фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари орасида жойлаштирилади. Ушбу облигациялар “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ти (рўйхат рақами 3080, 2018 йил 25 октябрь) низомга кўра бир йилгача бўлган муддатларда чиқарилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий саҳифаларида эълон қилинади.

Марказий банк облигациялари – облигация эгасига белгиланган тартибда даромад олиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк томонидан электрон шаклда чиқариладиган эмиссиявий қимматли қофозлар.

Купон даври – облигация эгасига фоизли даромад тўлаб бериладиган, Марказий банк томонидан белгиланган давр.

Савдо тизими – облигациялар бўйича электрон савдоларни ташкиллаштириш, облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, тузилган битимлар бўйича клиринг ва ҳисобкитобларни амалга оширишни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган электрон тизими.

Дилер – Марказий банк ҳамда валюта биржаси билан тузилган Бош битим асосида облигациялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари.

Аукцион савдолари – облигацияларни жойлаштириш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

3.5-3.6-жадваллар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган депозит, валютавий своп, РЕПО аукционлари ҳамда овернайт депозит операциялари натижалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан депозит аукционлари ва овернайт депозит операциялари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ти (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь), РЕПО аукционлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қимматли қофозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ти (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 15 март) низомларга, валютавий своп аукционлари “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари”га (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) асосан ўтказилиб борилади.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ушбу операциялар тижорат банкларига ликвидлик бериш ёки жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Депозит аукциони – тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

РЕПО ва валютавий своп аукционлари – Марказий банк томонидан банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставка ёки фоиз коридоридан чекиниши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари ўртасида ўтказиладиган кимошди савдоларидир.

Аукцион муддати – Марказий банк томонидан тижорат банкларидан аукцион орқали жалб қилинадиган депозитларнинг сақланиши белгиланган даври.

Жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори – депозит аукционида тижорат банкларидан жалб қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

Тақдим этиладиган маблағларнинг максимал миқдори – валютавий своп ҳамда РЕПО аукционларида тижорат банкларига тақдим қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

Банклар томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори.

Банклар томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси.

Банклар томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси.

Чегириш ставкаси – аукцион натижалари кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли аризалари бўйича таклиф этилган депозит аукционлари учун максимал, РЕПО ҳамда валютавий своп аукционлари учун минимал фоиз ставкалари.

Ўртача тортилган фоиз ставкаси – аукцион якунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондириладиган рақобатли аризаларда кўрсатилган маблағлар миқдори ҳамда фоиз ставкаларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Жалб қилинган маблағлар миқдори – депозит аукциони натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларидан депозитга жалб қилинган маблағларнинг жами миқдори.

Тақдим этилган маблағлар миқдори – РЕПО ва валютавий своп аукционлари натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларига тақдим этилган маблағларнинг жами миқдори.

Овернайт депозит – пул бозоридаги фоиз ставкаларининг кескин тебранишининг олдини олиш ҳамда тижорат банклари ликвидлигини Марказий банкка жалб қилиш мақсадида Марказий банк томонидан ўрнатилган фоиз коридорининг қуий чегарасида ўтказиладиган ва муддати бир кундан иборат бўлган операциялар.

3.7-жадвал. Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайтида (<http://www.cbu.uz>) ҳар куни жойлаштирилади. Алмашув курслари валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мақсадида эълон қилинади.

АҚШ долларининг сўмга нисбатан алмашув курси ўртача тортилган кўрсаткич сифатида валюта биржасида кунлик шаклланган курслардан ҳамда ушбу курслар бўйича амалга оширилган операциялар ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда ҳисбланади.

Бошқа валюталарнинг алмашув курслари АҚШ долларини асосий валюта сифатида қабул қилган ҳолда кросс-курс асосида ҳисбланади. Бошқа хорижий давлатлар валюталарининг АҚШ долларига нисбатан курсларининг манбаси сифатида Thomson Reuters ахборот тизимидан фойдаланилади.

IV бўлим. Молия бозори

4.1. Банклараро пул бозоридаги операциялар

4.1.1-жадвал. Миллий валютадаги банклараро депозитлар

Банклараро пул бозорида миллий валютада депозитларни жойлаштириш “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ти Низомга (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур операциялар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда, шунингдек тижорат банклари томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ёки пул маблағларини жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадида амалга оширилади.

Банклараро пул бозорида депозитларнинг жалб қилиниши ва жойлаштирилиши ягона электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан банклараро пул бозорида жойлаштирилган маблағлар умумий миқдорининг динамикаси, улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ҳамда давр охирига депозитлар қолдиқлари келтирилган.

